

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ” КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:338:603 (575.1)

САЙДИРАСУЛОВ БАХОДИР МУХИДДИН ЎҒЛИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ
РИВОЖЛАНИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ
БАҲОЛАШ

70310102– Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
мутахассислиги бўйича

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ


Илмий раҳбар:
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори, доцент Р.Холикова

ТОШКЕНТ – 2023

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.


54- сонли баённома « 2 » май 2023 й.

Илмий раҳбар: Холикова Р.


ИМЗО

19.05.2023 й.
сана


Магистрант: Сайдирасулов Б.М.


ИМЗО

19.05.2023 й.
сана

Диссертация Иқтисодиёт факультетида 2023 йил “ 19 ” 05
№ 1112 рақами билан рўйхатга олинган.

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси
муdiri, доц. И.Хотамов 

“ 3 ” май 2023 йил

Ҳимоя 2023 йил “ 19 ” 05 соат 10⁰⁰ да

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

АННОТАЦИЯ

Қурилиш материаллари саноати корхоналарининг иқтисодий самарадорлигиги оширишнинг назарий ҳамда қурилиш материалларининг инновацион ривожланишини ўрганиш натижалари келтирилган. Қурилиш материаллари саноатининг асосий жаҳон тенденциялари тасвирланган, ички ҳақиқатлар тасвирланган. Мамлакат қурилиш материаллари саноати комплексини ривожлантиришга таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда саноат тармоғининг тутган ўрни, республика саноатининг ривожланиш босқичлари ва хусусиятлари, Қурилиш материаллари саноатининг иқтисодий самарадорлигининг илмий-назарий услубияти ва “Ўзқурилишматериаллари” АЖнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили ҳамда қурилиш материаллари саноатида иқтисодиё самарадорлигини баҳолашнинг эконометрик моделлари ишлаб чиқилган. Қурилиш материаллари саноати корхоналари ташкилий-иқтисодий механизми давлат ва бошқа акциядорлар муносабатларини аниқ чегаралаш, инсайдерлик ахборотларидан фойдаланишни тартибга солиш, корпоратив ижтимоий жавобгарлик даражасини ошириш жиҳатидан такомиллаштирилган. Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноати ривожланишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: *Қурилиш саноати, рақамли иқтисодиёт, бошқарув механизм, қурилиш соҳаси бозори, ташкилий-иқтисодий механизм, Ўзбекистон қурилиш саноатининг барқарор инновацион ривожланиши, эконометрик моделлар, қурилиш материаллари, иқтисодий самарадорлиги.*

ANNOTATION

The results of the theoretical and innovative development of building materials for increasing the economic efficiency of construction materials industry enterprises are presented. The main world trends of the construction materials industry are described, the internal realities are described. Proposals and recommendations for the development of the country's building materials industry complex were developed. The role of the industrial sector in the development of the national economy, the development stages and characteristics of the republic's industry, the scientific-theoretical methodology of the economic efficiency of the construction materials industry, the analysis of the economic efficiency indicators of JSC "Ozqurilishmaterialari" and the econometric models of the assessment of the economic efficiency in the construction materials industry were developed. The organizational-economic mechanism of construction materials industry enterprises has been improved in terms of clearly demarcating relations between the state and other shareholders, regulating the use of insider information, and increasing the level of corporate social responsibility. A scientific proposal and practical recommendations on increasing the economic efficiency of the development of the building materials industry in Uzbekistan have been developed.

Keywords: *Construction industry, digital economy, management mechanism, construction industry market, organizational-economic mechanism, sustainable innovative development of the construction industry of Uzbekistan, econometric models, building materials, economic efficiency.*

МУНДАРИЖА

КИРИШ	8
Дисертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	8
Тадқиқот мақсади ва вазифалари.....	9
Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	10
Тадқиқот ишининг объекти ва предмети.....	11
Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти.....	12
Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	12
I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ ВА ТАҲЛИЛИ	13
1.1. Манбаларда келтирилган тадқиқотлар натижалари.....	13
1.2. Тадқиқот бўйича ўрганилган адабиётлар шарҳи	23
1.3. Тадқиқот гипотезаси	25
II БОБ. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ	36
2.1. Тадқиқот назарий ва методологик асослари	36
2.2. Маълумотларни тўплаш жараёни.....	37
2.3. Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар.....	38
III БОБ. ТАДҚИҚОТ ТАҲЛИЛИ ВА НАТИЖАЛАР	40
3.1. Ўзбекистонда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноатининг ривожланиш тенденциялари	40
3.2. “Ўзқурилишматериаллари” АЖнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили	51
3.3. Қурилиш материаллари саноатида иқтисодиё самарадорлигини баҳолашнинг эконометрик моделлари	62
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	72
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	75

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Жаҳон тажрибасига кўра, мамлакатдаги иқтисодий ўсишни таъминлаш, турли саноат объектлари ҳамда аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондиришда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноати муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон бўйича қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда ишлаб чиқарувчи фирмалар томонидан дунёнинг турли мамлакатларида ўз иштирокларини кенгайтириб бориш тенденциялари рўй бермоқда. Айниқса, бу борада сифатли цемент ишлаб чиқаришнинг аҳамияти тобора ошиб бориб, уни ишлаб чиқаришнинг 90 фоизи ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келса, Ғарбий Европа ва Шимолий Американинг ҳиссаси қарийб 10 фоизни ташкил этмоқда. Global construction 2030 агентлиги маълумотларига кўра, 2030 йилга қадар дунё бўйича қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳажми 85 фоизга ошиб, 15,5 трлн. АҚШ долл.ни ташкил этади. Бунда жаҳон бўйича ушбу сектор ўсишининг 57 фоизи асосан уч мамлакат – Хитой, АҚШ ва Ҳиндистонга тўғри келиши тахмин қилинмоқда.

Ўзбекистонда қурилиш мажмуаси мамлакатимиз иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг ажралмас қисми бўлгани сабабли бу соҳани ривожлантириш бўйича кенг қамровли чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Қурилиш саноатида амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг бошқариш йўналишидаги ўзгаришлар, қурилиш саноатининг истеъмол сифатини яхшилаш бўйича янги технологияларни жорий этиш, архитектура ва режалаштириш ечимларига қаратилган. Бугунги кунда қурилиш санатини барқарор инновацион ривожланишини таъминлаш бўйича вазифалар ечимини топиш кўп жихатдан илмий тадқиқотларни амалга оширишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-